



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

**Риштон тумани                      2022 йил 23 ноябрь                      4-1505-2202/2388-сонли иш**

Риштон туманлараро иқтисодий суди судьяси Ш.Мирзаматов раислигида, судья ёрдамчиси Д.Хомидовнинг суд мажлиси котиблигида, аризачи вакили Ш.Мамадалиев (ишончнома асосида)нинг иштирокида, аризачи [REDACTED] жавобгар якка тартибдаги тадбиркор [REDACTED] ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризасини Риштон туман судлари биносидан очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

**А Н И Қ Л А Д И :**

[REDACTED] (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) [REDACTED] бошқармасидан (бундан буён матнда аризачи деб юритилади) солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган.

Жавобгар томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (бундан буён матнда Солиқ кодекси деб юритилади) 273-моддасининг солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги белгиланган бўлсада, жавобгарнинг солиқ ҳисоботи аризачига тақдим этилмаган.

Шу сабабли аризачи Солиқ кодексининг 111-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларига мувофиқ судга ариза билан мурожаат қилиб, жавобгарнинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўраган.

Суд мажлисида аризачи вакили аризани қаноатлантириб, жавобгар томонидан шу кунга қадар 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилмаганлиги учун унинг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйишни сўради.

Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли равишда хабардор қилинган бўлса-да, жавобгар суд мажлисида ўз вакили иштирокини таъминламади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 220-моддасига асосан суд ишда иштирок этувчи шахсларни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида ушбу Кодексда белгиланган тартибда хабардор



қилади. Бунда суд аризачининг зиммасига жавобгарни суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини юклашга ҳақли. Суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги, агар суд уларнинг келишини мажбурий деб топмаган бўлса, ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Ушбу ҳолатда суд ишни жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришларини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра аризани қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан кўринишича, жавобгар 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи давлат солиқ хизмати органларига тақдим этилиши лозим бўлсада, тақдим этилмаган. Бу ҳолат аризага илова этилган ишдаги мавжуд ҳужжатлар билан ҳам ўз тасдиғини топган.

Ваҳоланки, Солиқ кодекси (бундан буён матнда СК деб юритилади)нинг 273-моддасининг 4-қисмига асосан солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ даврдан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

СКнинг 111-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

СКнинг 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади. Солиқ тўловчи ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этишга ҳақли. Юридик шахс бўлган солиқ тўловчилар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар солиқ ҳисоботини ўзи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шакллар бўйича электрон ҳужжат тарзида тақдим этади.

Суд жавобгар томонидан 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини суд мажлиси кунига қадар солиқ органига топширилмаганлигини, солиқ органи томонидан юборилган хабарномалар жавобсиз қолдирилганлигини инобатга олиб, аризачининг талабини асосли деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 2022-моддаси учинчи қисмининг 4-бандига биноан ҳуқуқий таъсир чорасини амалга ошириш тўғрисидаги арз қилинган талаб қаноатлантирилган тақдирда, Иқтисодий суди ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида банклардаги



ҳисобварақлар бўйича операциялар қандай шартлар бажарилгунига қадар тўхтатиб қўйилганлиги кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январдаги “Давлат божи тўғрисида”ги ЎРҚ-600-сонли Қонунининг 9-моддаси 12-бандига асосан аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларда давлат божини тўлашдан озод қилинган.

Қайд этилганларга асосан суд аризачининг ариза талабини қаноатлантиришни, ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ суд ҳаражатларини тақсимлаш масаласини ўрганиб чиқиб, давлат божи ундирилмасликни ҳамда жавобгар ҳисобидан аризачи фойдасига 24 000 сўм почта харажати ундиришни лозим топади.

Юқоридаги баён этилган ҳолатларга кўра Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 215-222-моддаларини, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 82, 111 ва 273-моддаларини қўллаб, суд

### Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

\_\_\_\_\_ аризаси  
қаноатлантирилсин.

\_\_\_\_\_ банклардаги ҳисобварақлари бўйича операциялари (бюджетга тўловлар, иш ҳақи, нафақалар, шунингдек ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида соғлиқ ва ҳаётга етказилган зарарни қоплаш учун тўлаб бериладиган маблағлар бундан мустасно) чиқиш қисми 2022 йил июль ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар тўхтатиб қўйилсин.

Жавобгар \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ ҳисобидан аризачи \_\_\_\_\_  
фойдасига 24 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Якка тартибдаги тадбиркор \_\_\_\_\_  
хизмат кўрсатувчи барча банклар ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолат тўлиқ бартараф этилгандан сўнг \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_ томонидан тақдим этиладиган ёзма кўрсатма (қарор)га асосан ҳисобварақлар бўйича операцияларни тикласин.

*Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддатда апелляция тартибида шикоят қилиши мумкин.*

**Раислик қилувчи, судья**

**Ш.Мирзаматов**

